

Хайдаров М.Т.,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИННИ ЙОРИТИШ ТАРТИБИ

ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИННИ ЙОРИТИШ ТАРТИБИ

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиша мунтазам ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, товар-моддий захиралар ҳисоби бозор иқтисодиёти ислоҳотлари шароитида улар ҳаракатларини түғри акс эттиришни тақозо этади. Уларнинг кирими ва чиқими, норматив меъёрлардан ошиб ва/ёки камайиб кетишининг олдини олиш бухгалтерия ҳисоби қанчалик түғри йўлга қўйилганлигига боғлиқdir.

Таянч иборалар: бюджет ташкилоти, бухгалтерия ҳисоби, товар-моддий захиралар, кирим, чиқим, регистрлар, услубиёт, моддий жавобгар шахс, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари.

ХАЙДАРОВ М. Т. ПОРЯДОК ВЕДЕНИЯ УЧЕТА ДВИЖЕНИЯ ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

В системе бухгалтерского учета бюджетных организаций всемерно осуществляются реформы. В том числе, в условия рыночного хозяйства правильное отражении в бухгалтерском учете движения товарно-материальных средств служит средством предотвращения образования излишних запасов и соблюдению нормативов.

Ключевые слова: бюджетная организация, бухгалтерский учет, товарно-материальные запасы, регистры, материально ответственное лицо, методика, внебюджетные средства бюджетной организации.

KHAYDAROV M.T. THE INVENTORY HOLDINGS ACCOUNTING ORDER IN THE BUDGET ORGANIZATIONS

In the system of budget organization accounting constantly implementing reforms. In the market economy inventory holdings correct accounting is the only way of odd reserves preventing and due norms support. The actual issue is correct reflection of the inventory holdings input and output in the booking.

Keywords: budget organization, accounting, inventory holdings, registers, methodic, out of budget means of budget organizations, financially responsible person.

Ҳар қандай бюджет ташкилоти, ўз фаолиятини амалга ошириш учун маълум товар-моддий буюмлардан фойдаланади. Ушбу моддий буюмларнинг миқдори кераклигидан ортиқча бўлмаслиги ва ташкилот ўз фаолиятини узлуксиз амалга оширишига етарлича бўлишини таъминлаш – ҳар бир ташкилот раҳбарининг вазифасига киради. Буларнинг миқдорини ҳисоблаб бориш, ҳисоботини тўғри акс эттириш ва нормативларига риоя қилинишини баҳолаш бухгалтерия ҳисобининг кундалик вазифаларига кириб, бу жараён мунтазам такомиллашиб боради.

Товар-моддий захиралар тушунчасига сотиш мақсадида ва/ёки нормал фаолият юритиш жараёнида қўлланиладиган, ишлаб чиқариш жараёнига керак бўлган, яъни бюджет ташкилотига юклатилган ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида, маъмурий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш учун қўлланиладиган моддий буюмлар киритилади.

Товар-моддий захираларга ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар киритилади. Булар қаторида жумладан: қурилиш-таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озуқа ва ем-хашак, тара (идиш)лар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамда лаборатория синовида бўлган, узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун маҳсус асбоб-ускуналар ва бошқалар ҳисобга олинади. Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Моддий активларни қонунчиликда белгиланган тартибда товар-моддий захиралар таркибида акс эттириш.

2. Товар-моддий захираларнинг келиб тушиши, уларнинг ташкилот ҳисобидан чиқарилиши, шунингдек, сақланиши ва мақсадли сарфланиши устидан назорат қилиш.

3. Захиралар ва харажатларнинг белгиланган меъёлларини кузатиб бориш.

4. Белгиланган тартибда реализация қилиниши лозим бўлган, фойдаланилмайдиган материалларни ўз вақтида аниқлаш.

5. Товар-моддий захиралар ҳаракатини ҳужжатларда тўғри расмийлаштириш ҳамда ҳисоб регистирларида ўз вақтида акс эттирилишини таминалаш.

6. Товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобварақларда ҳолати ва ҳаракатини акс эттириш.

7. Товар-моддий захиралар бўйича ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ахборотларини шакллантириб бориш.

Товар-моддий захираларни қабул қилиш, сақлаш ва топшириш жавобгарлиги ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган моддий жавобгар шахсларга юклатилади. Бу шахсларнинг алмашиниши омборларнинг инвентаризацияси ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган қабул қилиш топшириш далолатномаларини тузиш билан амалга оширилади. Товар-моддий захираларни сақлаш жойлари тош-тарозу жиҳозлари, ўлчов асбоблари, ўлчов идишлари ва бошқа назорат мосламалари билан таъминланиши лозим.

Счётлар режасида, товар-моддий захираларни ҳисобга олиш учун қуйидаги субсчётлар ишлатилади:

05 «Тайёр маҳсулотлар»

050 Тайёр маҳсулот

06 «Бошқа товар моддий захиралар»

060 Қурилиш материаллари

061 Озиқ-овқат маҳсулотлари

062 Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари

063 Инвентар ва хўжалик жиҳозлари

064 Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари

065 Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари

069 Бошқа товар-моддий захиралар

Субсчёларда қўйидагича буюм, товар моддий бойликлар акс эттирилиши қўлланилади:

050 «Тайёр маҳсулот»

Сотиш учун тайёранган тайёр маҳсулотлар, ёрдамчи қишлоқ хўжалик ва ўқув-тажриба хўжаликларидан олингандан маҳсулотлар, шунингдек ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлар ҳисобга олинади.

060 «Қурилиш материаллари»

Қурилиш материаллари сифатида силликат материаллар (цемент, қум, шағал, оҳак, тош, ғишт ва бошқ.) ёғоч материаллар (ходалар, арралангандан ёғоч-тахталар, фанерлар ва шу кабилар), қурилиш метали (темир, тунука, пўлат, листли рулон ва шу кабилар), металл буюмлар (михлар, гайкалар, болтлар, халқали буюмлар ва шу кабилар), санитария-техника материаллари (жўмраклар, муфталар ва ҳ.к.), электротехника материаллари (кабеллар, лампалар, патронлар, роликлар, шнур, сим ва сақлагичлар ва ш.к.), кимёвий-бўёқ моддалар (бўёқлар, алифлар ва ш.к.) ва бошқа шу каби материаллар ҳисобга олинади.

061 «Озиқ-овқат маҳсулотлари»

Бюджет ташкилотлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобга олинади.

062 «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари»

Касалхоналардаги, даволаш-профилактика, даволаш-ветеринария ва харажатлар сметаларида ушбу мақсадлар учун маблағ ажратиш кўзда тутилган бюджет ташкилотлардаги дори-дармонлар, компонентлар, бактерияли препаратлар, зардоблар, вакциналар, қон ва ярани боғлаш воситалари ва бошқа дори-дармонлар ҳисобга олинади.

063 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари»

Бюджет ташкилотнинг кундалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хўжалик материаллари ва канцелярия буюмлари (электр лампалари, совун, чўтка ва ҳ.к.), шунингдек, бошқа инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳисобга олинади.

064 «Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари»

Омборларда, шунингдек, бевосита моддий жавобгар шахслар ихтиёрида турадиган барча турдаги ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари (ўтин, кўмир, торф, бензин, керосин, мазут, автол ва ҳ.к.) ҳисобга олинади.

065 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари»

Машиналарнинг (тибиёт, электрон-ҳисоблаш ва шу каби) ускуналари, тракторлар, комбайнлар, транспорт воситаларининг (моторлар, автомобиль шиналари, камера ва айлана шаклдаги ленталар ва шу кабилар) эскирган қисмларини алмаштириш ва таъмирлаш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар ҳисобга олинади.

069 «Бошқа товар-моддий захиралар»

Илмий-тадқиқот ишлари ва лаборатория синовлари учун узоқ муддат ишлатиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун маҳсус асбоб-ускуналар, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган реактивлар ва химикатлар, ойна ва кимёвий идишлар, металлар, электр ва радио материаллари, радиолампалар, фотобуюмлари, ўқув дастурлари ҳамда қўлланма ва илмий ишларни нашр қилиш учун қофозлар, тажриба қилинадиган ҳайвонлар ҳамда ўқув мақсадлари ва илмий-тадқиқот ишлари учун мўлжалланган бошқа материаллар, шунингдек, протез учун ишлатиладиган қимматбаҳо ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади.

Товар-моддий захиралар қўйидаги ҳолатларда бюджет ташкилотига кирим қилинади:

1. Етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш натижасида.

2. Беғараз келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича).

3. Узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш.

4. Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқланиши натижасида.

5. Ташкилотнинг ўзида ишлаб чиқарилшининг натижасига кўра.

6. Конунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Товар-моддий захиралар бюджет ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуидагилар киритилади:

1. Божхона божлари ва йиғимлари.
2. Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари (агар улар қопланмаса).
3. Товар-моддий захиралар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи.
4. Товар-моддий захираларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар.

5. Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклash-тушириш ишлари, товар-моддий захираларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифларни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан, товар-моддий захираларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлар.

6. Товар-моддий захираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан ташкил топади.

Харид қилинган товар-моддий захираларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, товар-моддий захираларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани конвертациялаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича шартномаларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий захираларнинг

таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида белгиланади.

Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йиғилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли турлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари тегишли бўлган партиялари, групчлари) ўртасида тақсимланади.

Бюджет ташкилот томонидан беғараз олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасида олинган товар-моддий захираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни инвентарлаш натижасида аниқланган активлар таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Битта умумий суммага харид қилинган барча товар-моддий захиралардан ҳар бирининг таннархи ушбу суммани алоҳида товар-моддий захиранинг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш ўюли билан аниқланади.

Бюджет ташкилотига тегишли бўлмаган, вақтинчалик ташкилотда фойдаланишда бўлган шартнома асосида масъул сақлашга олинган товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобида балансдан ташқари 02 «Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар» счётида шартномада кўрсатилган қиймат бўйича ҳисобга олинади.

Товар-моддий захиралар чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинишида сотиб олинаётган материал захираларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Узбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш ўюли билан аниқланади.

Товар-моддий захиралар қуидаги ҳолатларда бюджет ташкилотнинг балансидан чиқарилади:

1. Сотиш.

2. Беғараз бериш.

3. Сақлаш мұддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маңнан эскирганлиги натижасыда тугатиш (йүқ қилиш).

4. Камомад, йүқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши.

5. Бошқа операциялар ва ҳодисалар нағијасыда.

Материалларни бериш учун қуйидаги асосий ҳужжатлар қўлланилади:

434-сон шаклдаги юқ хати;

299-шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун меню талабнома;

397-сон шаклдаги берилган озуқа ва ем-хашак қайдномаси;

410-сон шаклдаги ташкилот эҳтиёжи учун берилган материаллар қайдномаси;

431-сон шаклдаги забор картаси материаллар ва ёнилғиларни кундалик беришда қўлланилади.

Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртacha баҳода ҳисобдан ўчирилади. Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар доирасыда ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган юқоридаги тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим.

060 «Қурилиш материаллари» субсчётигининг аналитик ҳисоби материалларнинг номи, миқдори ва қиймати бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточка)сида юритилади.

061 «Озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчётигининг аналитик ҳисоби уларнинг номи, нави, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича M-44-сон шаклдаги материал захиралар бўйича айланма қайдномада юритилади. Айланма қайдномаларга ёзувлар 300 ва 399-сон шаклдаги жамланма қайдномалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими ва чиқимига доир бошқа ҳужжатлар асосида ёзилади. Ҳар ойда айланма қайдномалардаги айланмалар ҳисоблаб чиқилади ва ой бошига қолдиқ чиқарилади.

411-сон шаклда жамланма қайдномалардаги маълумотлардан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа чиқим ҳужжатлари (кам чиқсан озиқ-овқат маҳсулотлари, базага қайтариш ва бошқаларга тузилган далолатномалар) ёзилади.

062 «Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари» субсчётида касалхоналардаги, даволаш-профилактика, даволаш-ветеринария ва харажатлар сметаларида ушбу мақсадлар учун маблағ ажратиш кўзда тутилган ташкилотлардаги дори-дармонлар, компонентлар, бактерияли препаратлар, зардоблар, вакциналар, қон ва ярани боғлаш воситалари ва бошқа дори-дармонлар ҳисобга олинади. Бу субсчётда ўз дорихоналарига эга бўлган тиббиёт ташкилотларида ёрдамчи ва дори-хона материаллари ҳам ҳисобга олинади.

063-субсчёт «Инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг ҳисоби» моддий жавобгар шахслар томонидан буюмларнинг номи ва миқдори бўйича M-17-сон шаклдаги материалларнинг омбор ҳисоби дафтарида юритилади. Бу буюмларни омбордан бериш 434-сон шаклдаги юқ хати (талабнома) бўйича амалга оширилади. 325-сон шаклдаги китобда синган идишларнинг ҳисоби юритилади.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасалар омборидаги мавжуд ички кийимлар, кўрпа-тўшаклар, кийимкечак ва пойабзаллар алоҳида гуруҳларга ажратилиб ҳисобга олинади.

063-субсчётигининг аналитик ҳисоби предметларнинг номи, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтарида, бухгалтерияда M-44 шаклдаги айланма қайдномада юритилади.

065 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари» субсчётигининг аналитик ҳисоби эҳтиёт қисмларнинг номи, тури, завод берган рақами, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточка-сида) юритилади.

Бунда эскирганларини алмаштириш учун омбордан берилган автомобиль шинала-иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2015, 8

ри ва покришкалари балансдан ташқари 12-счёта ҳисобга олинади ҳамда оловчи-нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, мансаби, олинган куни ва завод рақами кўрсатилади.

069 «Бошқа товар-моддий захиралар» субсчётида ёш чорва молларининг аналитик ҳисоби уларнинг тури ва ёш гуруҳига қараб, бўрдоқига боқилаётган молларнинг аналитик ҳисоби эса фақат турларига қараб чорва молларини ҳисобга олиш дафтари (395-сон шакл)да олиб борилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари бошқа товар-моддий захиралар сарфига доир операциялар ҳисоби 396-шаклдаги материаллар сарфига доир жамланма қайдномада (13-мемориал ордер) юритилади.

Бюджет ташкилотларида бюджет маблағлари ҳисобидан олинган товар моддий захираларнинг кирими ва чиқими бухгалтерияда қўйидаги проводкалар орқали акс эттирилади.

Товар-моддий захиралар киримининг проводкалари

Хўжалик жараёнлари	Дебет	Кредит
Етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш		
Сотиб олинган товар-моддий захиралар қиймати (сотиб олиш нархи, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	159
Сотиб олинган товар-моддий захира ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	060-069	091
Беғараз келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича)		
Жисмоний ва юридик шахслардан беғараз олинган ТМЗлар қиймати (белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	262
Беғараз олинган ТМЗ ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	060-069	091
Узоқ муддатли активлар таркибидан моддий қийматликларни ТМЗлар таркибига ўтказиш	060.063.064.065	010-019
Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган ТМЗларнинг кирим қилиниши	06.060.064.065	231
Ортиқча (ҳисобга олинмаган) ТМЗларни аниқлаш		
Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан ТМЗларни аниқлаш	060-069	273
Ташкилотнинг ўзида тайёрланиши		
Ташкилотнинг ўзида тайёрланган ТМЗларни ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари суммасига	091	060-069, 159, 16 ва 17 счёtlарнинг тегишли субсчёtlари
Ташкилотнинг ўзида тайёрланган ТМЗларнинг ҳақиқий баҳосида кирим қилиниши	060-069	091

Товар-моддий захиралар чиқимининг проводкалари

Хўжалик жараёнлари	Дебет	Кредит
Сотиш		
Товар моддий захиралар сотилишини акс эттириш ҳақиқий қиймати	201 200	060-069
Товар моддий захиралар сотиш қиймати	159	201 200
Бир вақтнинг ўзида 50 фоиз тегишли бюджет даромадларига ҳисобланган сумма	201 200	160
Бир вақтнинг ўзида ташкилотга тегишли 50 фоизи даромадга ўтказилганда	201 200	262
Пул маблағлари келиб тушганда	112	15 9
50 фоиз бюджетга ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши	160	112
Товар-моддий захираларнинг сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	261	200
Беғараз бериш		
Товар-моддий захираларни беғараз бериш	231	060-069
Сарфланиши, сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш)		
Сарфланиши, яроқсиз ҳолатга келиши сабабли товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш	231	060-069
Камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш аниқланиши)		
Инвентаризация натижасида камомад чиқсан ТМЗларнинг чиқим қилиниши	231	060-069
Инвентаризация натижасида камомад чиқсан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинган товар-моддий захиралар суммасига (агар моддий жавобгар шахсдан ундирилса)	231	060-069
А) кам чиқсан товар-моддий захираларнинг қийматини ҳисобдан чиарилиши		
Б) айбор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160
В) айбор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	120. 112.	170
Г) маблағларнинг бюджет даромадларига ўтказиб берилиши	160	120. 112.
Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбор деб тан олинган ҳолда (агар ТМЗ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса):	170	060-069
А) кам чиқсан ТМЗларнинг қийматининг ҳисобдан чиарилиши		
Б) агарда, мазкур ТМЗ ларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кам бўлса	170	262
В) агарда, мазкур ТМЗ ларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кўп бўлса	261	170

Тайёр маҳсулотлар ҳисобининг субсчётида тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Сотиш учун тайёрланган тайёр маҳсулотлар, ёрдамчи қишлоқ хўжалик ва ўқувтажриба хўжаликларидан олинган маҳсулотлар, шунингдек ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кирим қилиниши 050 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг дебетида 090 «Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар» субсчёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Маҳсулотларни сотища ҳаридорлар (буюртмачилар)га ортиб жўнатилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ушбу

харидор (буюртмачи)лар томонидан ҳисобкитоб ҳужжатлари тақдим этилганда 050 «Тайёр маҳсулот» субсчётининг кредитидан 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Ташкилот ўзининг эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлари 050-субсчётнинг кредитига ва 06-счётнинг тегишли субсчёtlари дебетига ёзилади.

Тайёр масулотларнинг аналитик ҳисоби 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтарида юритилади.

T.р.	Хўжалик жараёнларида амлага оширилган ишлар натижасининг проводкалари	Дт	Кт
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида материаллар сарфланди	090	060-069
2	Маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	090	173
3	Маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди	090	161
4	Бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришда хизматлар кўрсатилганда	090	152
5	Ишлаб чиқариш жараёни натижасида маҳсулот ҳисоб (режа) таннархида қабул қилинганда	050	090
6	Ҳақиқий таннарх бўйича маҳсулот юклаб жўнатилганда	200	050
7	Ишлаб чиқарилган товарлар шартномада кўрсатилган сотиш қиймати бўйича сотилганда	152	200
8	Товалар сотилишидан юзага келган ижобий молиявий натижа	200	262

Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинган товар моддий захираларнинг кирими ва чиқими бухгалтерияда қуидаги проводкалар орқали акс эттирилади.

Товар-моддий захираларнинг кирими

Хўжалик жараёнлари	Дебет	Кредит
Етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича ҳарид қилиш		
Сотиб олинган товар-моддий захиралар қиймати (сотиб олиш нархи, етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажатлар)	091	159

Сотиб олинган товар-моддий захира ҳақиқий қиймати бүйича кирим қилиниши	060-069	091
Беғараз келиб тушиш (ҳадя шартномаси бүйича)		
Жисмоний ва юридик шахслардан беғараз олинган ТМЗлар қиймати (белгиланған тартибда аниқланған бозор қиймати, етказиб бериш ва башқа құшымча харажатлар)	091	262
Беғараз олинган ТМЗ ҳақиқий қиймати бүйича кирим қилиниши	060-069	091
Узоқ муддатлы активлар таркибидан моддий қийматларни ТМЗлар таркибиға үтказиш	060-069	010-019
Асосий воситаларнинг тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқлу бўлган ТМЗларнинг кирим қилиниши	060. 064. 065	261
Ортиқча (ҳисобга олинмаган) ТМЗларни аниқлаш		
Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан ТМЗларни аниқлаш	060-069	273
Ташкилотнинг ўзида тайёрланиши		
Ташкилотнинг ўзида тайёрланган ТМЗларни ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари суммасига	091	060-069, 159, 16 ва 17 счёtlарнинг тегишли субсчёtlари
Ташкилотни ўзида тайёрланган ТМЗларнинг ҳақиқий баҳосида кирим қилиниши	060-069	091

Товар-моддий захираларнинг чиқими

Хўжалик жараёнлари	Дебет	Кредит
Сотиш		
Товар моддий захиралар сотилишининг акс эттириш ҳақиқий қиймати	200	060-069
Товар моддий захиралар сотиш қиймати	159	200
Бир вақтнинг ўзида 50 фоиз тегишли бюджет даромадларига ҳисобланган сумма	200	160
Бир вақтнинг ўзида ташкилотга тегишли 50 фоизи даромадга үтказилганда	200	272
Пул маблағлари келиб тушганда	113	159
50 фоиз бюджетга ҳисобланган суммаларнинг үтказиб берилиши	160	113
Товар-моддий захираларнинг сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	271	200
Беғараз бериш		
Товар-моддий захираларни беғараз бериш	261	060-069

Сарфланиши, сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли жисмонан ва маънан эскиргранлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш)		
Сарфланиши, яроқсиз ҳолатга келиши сабабли товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш	261	060-069
Камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш аниқланиши)		
Инвентаризация натижасида камомад чиқсан ТМЗларнинг чиқум қилиниши	271	060-069
Инвентаризация натижасида камомад чиқсан бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан сотиб олинган товар-моддий захиралар суммасига (агар моддий жавобгар шахсдан ундирилса):	271	060-069
А) кам чиқсан товар-моддий захиралар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши		
Б) айбор шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши	170	160
В) айбор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	120. 113	170
Г) маблағларнинг бюджет даромадларига ўтказиб берилиши	160	120. 113
Моддий жавобгар шахс камомад чиқишида айбор деб тан олинган ҳолда (агар ТМЗ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса):	170	060-069
А) кам чиқсан ТМЗлар қийматининг ҳисобдан чиарилиши		
Б) агарда мазкур ТМЗларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кам бўлса	170	272
В) агарда мазкур ТМЗларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган суммадан кўп бўлса	271	170

Бюджет ташкилотларида «Бошқа товар-моддий захиралар»нинг кирим қилинишида қўшимча харажатларнинг товар-моддий захиралар баҳосига қўшилиши уларнинг аналитик ҳисобини юритишда ходимларнинг ҳисобда адашиш ҳоллари учраб туради. Шу сабабли товар-моддий захираларнинг кирим қилинишида қўшимча харажатларни тўғридан-тўғри харажатга чиқарилиши орқали бундай хатоларнинг олдини олиш мумкин. Фойдаланишдаги товар моддий захираларни балансдан ташқари 10 счётда эмас, балки баланснинг ўзида алоҳида счётда ҳисобга олиш орқали товар-моддий

захираларнинг назоратини кучайтириш мумкин.

Бундан ташқари, бюджет ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини юритишдаги муаммалардан бири асосий воситалар ва товар моддий захираларни аниқ ажратиш имконларининг чекланганлигидир. Агарда товар моддий захиралар бўйича қўшимча субсчёtlар қўшиб уларни кенгайтириш, асосий воситалар билан товар моддий бойликларнинг аниқ ажратилиши имконини кенгайтирган ва бюджет ташкилотлари томонидан мазкур активлар ҳисобини юритишда қулайликлар яратиб берган бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигига 2010 йил 22 декабрда 2169-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигига 2006 йил 17 июлда 1595-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (4-сон БХМС) «Товар-моддий захиралар».

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2011 йил 27 августда 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2270-тартиб рақам билан 2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича» қоидалар.

4. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. / Ўқув қўлланма.
– Т.: «Иқтисод-молия» нашриёти, 2011.